



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (11.422)

Баҳоси эркин нарҳда

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июнь кuni Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди.

— Саудия Арабистони — улкан салоҳиятга эга давлат, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон Саудия Арабистони билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда. Жумладан, Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этган Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг 2007 йил Тошкентда ўтган мажлисида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йигирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя жалб қилишга келишилган эди. Бу лойиҳаларда Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармасининг иштироки салмоқли бўлади.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга оид битимлар амал қилмоқда. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мунтазам равишда ўз мажлисларини ўтказиб туради. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. 2009 йилнинг апрелида ҳаво транспорти қатнови тўғрисида ҳукуматлараро битим қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ислам конференцияси ташкилоти ва Ислам тараққиёт банки доирасида ҳам изчил ривожланмоқда.

Саудия Арабистонида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарини араб тилида нашр этилган. Саудия Арабистони Ўзбекистонга асрлар давомида ислом меросини бойитган, ислом маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар юрти сифатида ҳам катта эҳтиром билан қарайди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам Саудия Арабистонида катта мамнуният билан қабул қилинди. Шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро тадбирларда Саудия Арабистони вакиллари фаол иштирок этдилар.

2006 йилда Подшоҳ Файсал номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказида «Хоразм Маъмур академияси ва унинг жаҳон илм-фани ривожига тугган ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Хоразм Маъмур академияси билан мазкур марказ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Саудия Арабистони фольклор дасталари Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони молия муассасалари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга катта қизиқиш билан қарашини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
2009
ТОШКЕНТ

Қўшма корхоналарда



Бозор талабларига тўлиқ жавоб берувчи сифатли маҳсулот ҳамisha харидоргир бўлади. Шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг нуфузи ортиб шуҳрат қозониб бораверади.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Вимм-Билль-Данн Тошкент» хорижий корхонаси ҳам сифатли маҳсулот тайёрлашдаги изланишлари боис мижозлар ҳурмати ва эътиборини қозонмоқда. Замонавий хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 200 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда ва бугунги кунда 20 турдан ортиқ сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, шарбатларни халқаро андозалар талаблари асосида ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда. Маҳсулотлар Россия технологияси ёрдамида 1 литрли ҳамда 0,5, 0,2 литрли пакетларда қадоқланади. Маҳсулотлар асосан Тошкент вилояти ҳамда

Самарқанд шаҳри аҳолисига етказиб берилди.

Чирчиқ, Чиноз, Паркент, Олмалик, Ангрэн каби пойтахт вилояти туманларидан эса 20, 40 тоннагача сўт сотиб олинади ва бир кунда 10 тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари 20 та маҳсул машиналарда жойларга етказиб берилди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейилганидек, корхонада ишчи-хизматчилар учун 300 ўринли ошхона, дам олиш ва тиббиёт хоналари ташкил қилинган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Вимм-Билль-Данн Тошкент» қўшма корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Мамлакатимизда ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ташкил этилаётган турли ижодий лойиҳалар, курик-танловлар, фестиваллар йигит-қизлар истеъдодини кашф этиш, уларнинг ўз қизиқиши ва билими бўйича келгусида янада самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда. Ун беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизларнинг иқтидорини аниқлашга хизмат қилаётган «Келажак овози» курик-танлови ана шундай тадбирлар сирасига қиради.

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАФИШЛАЁТГАН ТАНЛОВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2009» республика иқтидорли ёшлар танловининг Тошкент шаҳар босқичи бошланди.

Навқирон авлоднинг орзу-умидлари, эзгу интилишлари, илғор ташаббусларини акс эттирган ушбу танлов номинацияларининг мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим бўлган барча соҳаларни қамраб олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги танлов қатнашчилари ўн беш йўналишдаги тўрт номинация бўйича ўз билим ва маҳоратини кўриқдан

ўтказди. Нуриддин Сирожиiddинов Тошкент давлат шарқшунос-лик институти қошидаги академик лицейда ўқийди. «Келажак овози — 2009» танловида у «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинациясида ёшлар ҳаёти, спорт, маданият ва маънавият каби соҳаларни ўз ичига олган веб-саҳифаси би-

лар қатнашмоқда. Нуриддиннинг айтишича, мазкур танлов ёшларни ўз билими ва қизиқиши бўйича янада фалолроқ бўлишга, кўпроқ ўқиш ва ўрганишга, изланувчанликка ундайди.

Жаҳонгир Раббимов Тошкент банк коллежиди таълим олади. У танловда ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаси билан иштирок этмоқда. Лойиҳа устида ишлаш

жараёнида Жаҳонгир юрти-мизнинг меҳнат бозори, иқтисодиётнинг муайян тармоқлари учун зарур мутахассисликларни пухта ўрганиб чиқди.

Ёшларни янги парвозларга даъват этаётган ушбу танлов йигит-қизларнинг Ватанимиз тараққиётидаги ўрни ва ҳиссаси янада орттиришга хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Асборт хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Юнусобод» теннис кортида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган «Замонавий хореография ва спорт плаستيци» курик-танловининг якуний босқичи голиблари тақдирланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан қўл жанги бўйича уюштирилган мусобақаларда «Машинасозлар», «Дўстлик» маҳаллаларида яшовчи 8-10 ёшли болалар беллашди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Фулом номи маданият уйида Баротхўжа маҳалласи ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Мен ҳам ҳунар ўрганаман» деб номланди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Адлия бoshқармаси ташаббуси билан уюштирилган семинар норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчилигига мос келишини таъминлаш масалаларига бағишланди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида «Кўли гулдири ўзбек айлини» деб номланган кўргазма-савдо иш бошлади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирда миллий ҳунармандчилик, фермерлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган юз нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этмоқда.

• Қарши шаҳрида «Karshi agrominitech Expo — 2009» Халқаро кўргазма савдоси бўлиб ўтди. Унда 20 та мамлакатнинг 70 дан ортиқ компаниялари ўз мини-технологиялари билан қатнашди.

• Тошкентда Ўзбекистон Шошилич тиббий ёрдам врачлари ассоциациясининг I съезди иш бошлади. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан шифокорлар, етук мутахассислар, шошилич тиббий ёрдам бўлиналари ҳамда тиббиёт йўналишидаги ўқув ва муассасалар вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, анжуманга Россия, Канада, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хиндистон каби 20 га яқин давлатдан делегациялар ташриф буюрди.

• Андижон вилоятининг Марҳамат туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир якунига кўра, 105 нафар фуқаро ўзи хоҳлаган ишларга жойлашди. Шунингдек, кам таъминлаган оилаларнинг 15 тасига кичик бизнес билан шуғулланишлари учун 1 миллион сўмдан кредит ажратилди.

• Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Пешку туманида «Бандлик-2009» дастурида кўзда тутилганидек, 502 ўрнига 632 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўтган вақт ичида Пешку туманидаги бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб 450 киши мурожаат этган бўлса, улардан 388 нафари ўзлари ёқтирган ишларга жойлаштирилди.

• Тошкентдаги «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан БМТнинг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси доирасида Чехия Траст Фонди ҳамкорлигида Ўзбекистон тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Европа бозорига экспорт қилишга кўмаклашиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Санкт-Петербург шаҳрида XIII Халқаро иқтисодий форум бошланди.

• Куба ва АҚШ иммиграция масалалари бўйича музокараларни ўтказишга тайёрланмоқда.

• Голландия ва Буюк Британияда биринчилардан бўлиб Евро парламентга сайловлар бошланди. Сайловлар 7 июнга қадар давом этади ва Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакатдан жами 736 нафар депутат Европа парламентиغا сайланади.

• Буюк Британияда сиёсий инқироз юзга келди. Зеро, вазирлар ва парламент аъзоларининг бюджет маблағларидан шахсий эҳтиёжлари учун фойдалангани натижасида кейинги уч кун ичида беш нафар вазир истеъфога чиқди. Бундай ноҳуш ҳолат оқибатида мамлакат Бош вазири Гордон Браун ҳам истеъфога чиқиши мумкин.

• АҚШда «Southwest Airlines» авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти парвоз вақтида яшинга дуч келган бўлсада, қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида бортида 53 киши бўлган ҳаво кемаси Калифорния штатининг Окленд шаҳридаги аэропортга муваффақиятли кўндирилди.

• Кеча Подмосковьеда кучли бўрон ҳуружи натижасида кўплаб уйларга, электр тизимларига катта зарар етган. Бўрон давомида турли даражадаги тан жароҳатларини олган 60 киши касалхоналарга ётқизилган.

• Бразилия ҳарбий ҳаво кучлари вакиллари Атлантика океанидан топилган самолёт парчалари Air France авиакомпаниясининг ҳалокатга учраган самолётига тегишли эмаслигини таъкидлашди.

• А/Н1N1 вируси тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида жаҳон миқёсида олиб борилаётган кенг қамровли саяё-ҳаракатларга қарамай, дунёнинг турли бурчакларида унинг аломатлари аниқланмоқда. Хусусан, куни кеча ушбу хасталик билан боғлиқ яна бир ҳолат Саудия Арабистонида қайд этилди.

• Италия полицияси бундан 25 йил муқаддам ўғирланган машҳур мусаввир Ренуарнинг «Шоҳ Эдип» асарини Венецияда топишга муваффақ бўлди. Ушбу ноёб картина 1 миллион еврога баҳоланмоқда.

• АҚШ Мустақиллиги куни — 4 июлда Нью-Йоркнинг энг оммабоп сайёҳлик нуқтаси — Озодлик ҳайкали яна меҳмонлар учун очилади.

ФАХРИМСАН, ФУРУРИМСАН

АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



Тарих зарварақларидан



БУЮК СОҲИБҚИРОН ШАРАФЛАГАН ШАҲАР



Тарихда буюк ҳақиқатлар ёнма-ён яшайди. Бугун дунё нигоҳида турган азим Тошкентнинг ўтмишини кўз олдимизга келтирсак, унда Соҳибқирон Амир Темур таржимаи ҳоли билан вобаста кўплаб ўринларга гувоҳ бўламиз.



Азалдан, инчунин, XIV – XV асрларда ҳам Мовароуннахр ҳаётида муҳим стратегик нуқта бўлиб келган Чоч – Шош — Тошкент билан мустақил давлат тузиши йўлида ўн йиллар жадал курашган саркарда, худди шунингдек, боқсқинчиларни бартараф этиб, халқнинг қаддини кўтарган, жаҳондорлик фаолиятини давом эттириб, ер юзининг 27 мамлакатини бир байроқ остида бирлаштирган буюк давлат арбоби фаолияти билан муҳим қавм йўллари чорраҳасида жойлашган, замонавий тамаддун унсурларини бутун буй-баста билан ўзида мужассамлаштирган йирик мегаполис тараққийоти бир-биридан ажратиб, тасаввур қилиш мантиқсизлик бўларди. Амир Темур турли вазият ва сабаблар тазйиқи, баъзан кўнгил хоҳиши билан бу табаррук остонани кўп бора тафовит қилган. Дунё чопқини ҳатто икки қондош ўртасига ғулу солганда, уни тушунадиған ва қўллаб-қувватлайдиган жўмард шу заминдан топилди. Ҳарбий салоҳиятини намойиш этишни вазият тақозо қилган шароитда унинг кенгликлари навқирон лашкарбошига муҳориба майдони бўлди. Жони оғриб, сихати ёмонлашганда унинг нажоткор фўқароси захирига малҳам кўйди. Йил фаслларини азбаройи тароватидан тўйиброқ баҳраманд бўлиш учун унинг бағрида ойлари ўтказди. Қудрати кўҳна оламни лол қолдириб, унинг тинчликбахш ташрифини дунёнинг қай бир безовта нуқтаси кўтаётганда, шаҳарнинг сарҳадларида юз минглаб мукамал қуролланган лашкарни тўплаб, ҳаёт-мамонт курашига отланди. Хуллас, шундай тазбир қилиш мумкинки, Соҳибқирон улўқ мақсадларни юрағида жойлаган шижоатли йигит бўлса, Тошкент унга камол тилаб дуо қилган мўътабар пирлардан бири эди.

Барлоснинг қаршилигини бартараф этишда ҳам асқотади. Қийин шароитда "Туғишгандан тутинган афзал" деган ақида исботини топади. Замон бевафо, тож-тахт муаллақ эди. Бугунги дўстнинг бир думалаб душманга айланиб қолиши ҳеч нарса эмас эди олатасир дунёда. Ана шундай қийин ва бетайин шароитда Темурбек нажот изларди. Бу пайтда мўғуллар хавфи ҳали батамом бартараф бўлмаган, фақат ички низоларнинг авж олганлиги туфайли чингизий ҳўқмдорларнинг боши гангиб қолганди. Ниҳоят, ўн йилдан ошган осойишталик даври тугайди ва 1361 йил баҳорида Туғлук Темур Мовароуннахрга юзланади. Энди вазият ўзгарган, майдонга янги қўчлар чиққан эди. Жўмладан, маҳаллий беқлар ўртасида яшигини на макве қозонишга улғурган Темурбек билан ҳам мўғуллар ҳисоблашишга мажбур бўладилар ва уни сипоҳсолор (қўшин бошлиғи) лавозимига тайинлайдилар. Орадан 3 йилдан кўпроқ вақт ўтади. Беқарор дунё яна баттар ўзгаради. Ички аҳвол мўғул ҳўқмдорлари яна қайтиб кетишга мажбур қилган, бу ёқда эса икки қўчқор — Темурбек ва Хўсайнинг боши бир қозонда қайнамай, амалда икки ҳўқимиятчилик юзага келган эди. Рамзий чегара — Амударё. Ана шундай шароитда 1364 йил қишини Темурбек Тошкентда ўтказди. Албатта, бу муҳимлик чегарадаги йирик марказ сифатида шаҳарнинг мудоффа қувватларини кўчатириш, шарҳдан келиши муқаррар бўлган хавфга тўсиқ ҳозирлаш, атроф-теваракни назардан ўтказиш каби мақсадлар билан ҳамоханг эди.

Мўғулларнинг Жетадан келиши билан боғлиқ йирик воқеа — "Лой жанги" (1365 йил 22 май) тафсилоти кўпчиликка маълум. Темурбек назорат қилиб турган ҳудудда — Чиноз қўнида содир бўлган бу муҳорибада Хўсайн атайлаб фаоллик кўрсатмаган. 1368 йилда Соҳибқирон Тошкентда уюштирган бир ойлик тўғи тантаналарининг тафсилотиға муфассалроқ тўхталышга тўғри келади. Хўтталон ҳўқими Кайхўсрав ўқаси Қайқўбоннинг хўни учун Хўсайн билан ёвлашиб қолган эди (ўз вақтида Хўсайн амакиси амир Абдулло учун ўч олганди). Унинг мўғул асиллодаларидан тўғилган қизи Робия жоҳоникани Темурбек тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзоға сўраган эди. Тўғи шу муносабат билан ташкил этилганди. Шўниси борки, бу никоҳ амалга ошмаган. Сабаби эса олис ўтмиш гўборлари аро мавҳум бўлиб қолган. Ҳаёт жангу жадаллар билан давом этар эди. Хар бир жўмбоққа ечим топиш, қўтилатган саодатли айём — юрт мустақиллигини таъминлашнинг таянч нуқталарини қидириш, уларни қувватлантириш лозим эди. Шу маъракалар сўрониде амир Хўсайн чинакам бош оғриқ бўлди: на гапга кўнади, на тизгинни топширади. У Балхда муаззам қалъа тиклашга киришди. Темурбек шу билан андармон бўлиб қолар, деган илинжда ёрдамга шошилди. Бироқ мўғулларнинг навбатдаги ҳўқмдори Қамариддиннинг Тошкентни босгани хабари тарқалди. Темурбек амир Мўсонни ёнига олиб, чегара сари яшиндек қўзғолди ва оёғини ерга текизмай ёвни ҳайдаб чиқарди. Ватан меҳри билан ёнган шўнқор учун икки дунё бир қадам эди.

Шўндан кейинги воқеалар бутунлай бошқа ўзанларда давом этди. Тақдир Соҳибқиронга қулиб боқди, у 1370 йилда Мовароуннахр ҳўқмдори сифатида тан олинди. Бу эътироф узоқ вақт қўтилган орзуларнинг мўстажоб бўлиши билан бирга улкан юмушларнинг бошланыши эди. Хароб бўлган мамлакатни тиклаш, асрлар оша томир отиб кетган кек ва адоват, ўзаро низоларга чек қўйиш, миллатни бир туғ остида бирлаштириш лозим эди. Шу мақсадда Соҳибқирон ўн-ийгирма йиллар давомиде шарқу фарб, шимолу чегара шарҳларидан йўлчи эди. Яшил водийлар, тараққий этаётган аҳоли масканларидан беповён чўлларга қиқиб кетаётган ва чексиз саҳролар бағридаги қарвон йўлларида серсўв ва бароқатли гуллаган воҳога кириб келаётган йўлчилар Тошкентда, албатта, тўхташарди. Ана шундай муҳим марказнинг тараққийи янги давлат меъморийнинг диққат марказида турмаслиги мумкин эмас эди. Уша йилларда унинг мудоффа қуввати бир неча баробар ошгани, дарвозалари яна ҳам мўстаҳкамлангани, ҳўнармандчилик, савдо-сотик ривожлангани бор гап. Айниқса, машур Чоч камонининг доврўғи яна ҳам ошгани айни ҳақиқат. Шу билан бирга шаҳар Соҳибқирон сафарлари давомидеги кўналға, жиддий ҳарбий юришларига бош майдон, ободончилик ва бунёдкорлик марказларидан бири бўлиб қоларди.

Бобокалонимиз шонли ҳаётининг кўплаб нурафшон лаҳзалари Ўзбекистоннинг бугунги шавқатли пойтахти билан боғлиқлигини ўша замон муарихлари ҳам, кейинги давр тадқиқодчилари ҳам кўп ва хўб таъкидлаганлар. Эндиликда, муаззам Шарҳда ўз салоҳияти билан алоҳида балкиб турган шаҳарнинг 2200 ёши халқаро миқёсда кенг нишонланадиган паллада тарихнинг бу табаррук лаҳзаларини ёдлаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Бобокалонимиз таржимаи ҳолида инсон зоти кеңириши мумкин бўлган жами сир-синаотлар мужассамлашган. Шўнданми, мана етти асрдирки, афкор омманинг бу зоти шариф ҳаётига қизиқиши сойимайди. Ҳазратга қўтилмаган жойдан жойга бона кўнар ва деярли мумкин бўлмаган қийин шароитлардан чиқиб кетарди. Бильякс, бундай қўтилмаган илтифотлар ёмонлик мақсадида ҳам бўлар, Соҳибқирон бу тузоқлардан ҳам омон қоларди. Жўмладан, чингизий хонодалардан Тўхтамыш билан шўндай бўлганди. Уғли мақомиде тўтган кўрнамак бир неча марта унинг салтанатиға тўғ кўтариб келган, тинч аҳолини босиб, шаҳарларни талаган, вайрон қилган эди. Бу нобакор билан ҳисоб-китоб қилиш фўрсати етишган, уни пайсалға солиб бўлмасди.

Бобокалонимиз таржимаи ҳолида инсон зоти кеңириши мумкин бўлган жами сир-синаотлар мужассамлашган. Шўнданми, мана етти асрдирки, афкор омманинг бу зоти шариф ҳаётига қизиқиши сойимайди. Ҳазратга қўтилмаган жойдан жойга бона кўнар ва деярли мумкин бўлмаган қийин шароитлардан чиқиб кетарди. Бильякс, бундай қўтилмаган илтифотлар ёмонлик мақсадида ҳам бўлар, Соҳибқирон бу тузоқлардан ҳам омон қоларди. Жўмладан, чингизий хонодалардан Тўхтамыш билан шўндай бўлганди. Уғли мақомиде тўтган кўрнамак бир неча марта унинг салтанатиға тўғ кўтариб келган, тинч аҳолини босиб, шаҳарларни талаган, вайрон қилган эди. Бу нобакор билан ҳисоб-китоб қилиш фўрсати етишган, уни пайсалға солиб бўлмасди.

Шарқий чегаралар осойишталигини таъминлаб, Мўғулистон ҳудудларидан қайтган Амир Темур катта қўшин билан шимолға юришға ҳазми эди. Лашкаргоҳ сифатида Тошкент танланди. Ушанда 200 минг аскар жамланган ва 1391 йилнинг 19 январиде қўшин Тошкентдан чиқиб, Тўхтамышни излаб, йўлга тўшган эди. Тарихдан бу издиҳом Соҳибқирон фаолиятидаги энг оғир, шу билан бирга шонли муҳориба сифатида маълум. Қарий олти ой давомиде турли иқлим ва табиий шароитда кечган сафар чинакам ҳаёт-мамонт юриши бўлган, қиш қаҳратонини ёз жазирамаси, тўбсиз саҳро, тоғ ва ботқоқликлардан ўтган йўл азоби, сувсизлик

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида илк маротаба «Меъмор — 2009» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллик муносабати билан ташкил қилнган мазкур танловни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши ҳамкорликда ўтказдилар.

Уч кун давом этган кўрик-танловда архитектура, қурилиш ва рассомчилик йўналишида мутахассислар тайёрловчи 9 та республика олий таълим муассасаларининг 112 нафар иқтидорли ёшлари иштирок этди.

Танловда тарихий обидалар, архитектура келажғи ёшлар тасаввуриде, меъморий обидалар ёш рассомлар нигоҳида, фото ва видео роликлар танлови ҳамда рамзий меъморий иш лойиҳаси номинацияларида ёшлар янғича ва ўзига хос лойиҳалари билан иштирок этдилар.

Ҳайъат аъзолариға тақдим қилнган 150 га яқин ижодий иш тўртта асосий ўрин ҳамда турли рағбатлантирўчи номинациялар бўйича тақдирланди. Тадбирда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архитектура бўлими бошлиғи М. Юсупова, Ўзбекистон санъат арбоби А. Умаров, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ва бошқалар сўзға чиқиб, «Меъмор — 2009» кўрик-танловининг аҳамияти, иқтидорли ёшларға давлатимиз томонидан яратиб берилётган шарт-шароитлар ва доимий гамхўрликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ушбу танлов ёш авлод тарбиясида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аждодларимиз томонидан бунёд этилган тарихий обидаларға

Танловлар

ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЛОЙИҲАЛАРИ

қизиқиш уйғотиш, архитектура, қурилиш ва рассомчилик йўналишида мутахассислар тайёрловчи республика олий таълим муассасалари ўртасида ёш истеъодларни кашф этиш, улар орасида ижодий ташаббускорликни, соғлом рақобатни шакллантириш ва ижодий қобилиятларини рўёбға чиқаришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент Архитектура ва қурилиш институти ректори Маҳаммадҷон Мирҳўмедов. — Шўнингдек, аждодларимиздан мерос аънааналаримиз бардавомлигини таъминлаш, маънавий қадриятларимизға эҳтиром ҳиссини кўчатириш, ёшлар онғида она Ватанға муҳаббат тўғусини янада ошириш каби муқаддас мақсадлар илғари сурилади. Ёшларимизнинг ичида истеъодлилари, изланувчилари жуда ҳам кўп. Буни уларнинг тақдим қилган ижодий ишларидан ҳам билиб олиш мумкин. Умид қиламизки мазкур кўрик-танлов келажакда ўз мевасини бериб янғича иқтидор эгаларини кашф этади. Улар эса мамлакатимиз равнақи, ривожланиши, бунёдкорлиғи, юртимиз тинчлиғи ва фаровонлиғи йўлида тинмай ижод қиладилар.

Танловға топширилган ишларда гўзал шаҳримизнинг қиёфаси, унинг бағрида қад ростлаган биноларнинг кўркем ва улўғвор кўринишлари, муҳташам иншоотларнинг салобатли манзаралари, ёшларнинг бахтиёр ва шодон қиёфалари, орзу-умидлари, келажакка бўлган ишонч тўғилари талабалар томонидан юксак маҳорат ва назик дид билан тасвирланган қараган сари дилинғиз яйраб, қўзинғиз қувнаб кетаверади.

Танлов доирасида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, иштирокчилар шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. Тадбир сўнғида эса, голиблар қимматбаҳо соғвалар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА СУРАТДА: «Меъмор — 2009» танловидан лавҳа

Транспорт

АВТОБУСЧИЛАР ГАЙРАТИ

«Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясиға қарашли корхоналар жорий йилни ушўқоқлик билан бошлаган эди. Йилнинг дастлабки чорағида эришилган ютуқлар ҳам чакки бўлмади.

Шў вақт ичида компания транспортчилари 101,9 миллион нафар йўловчиға намунали хизмат кўрсатдилар. Кўпгина автобус саройларида ойлик топшириқлар тўлалиғича адо этилди.

Ҳаракат таркибини янғилаш таъмирлаш ишларини олиб бориш соҳасида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб борилди. Навбатдаги чоракда ҳам транспорт хизматида яхши натижаларға эришишға аҳд қилинди.

Ҳақим САТТОРИЙ

Дилфуза ЖУМАНИЁЗОВА

Дам олиш соатларида



ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

Оила мустақамлиги: қайнона-келин муносабатлари

ҲАМФИКРЛИК — АҲИЛЛИК ОМИЛИ

Қайнона-келин муносабатларидаги сиба мустақамлигидаги роли ҳақида 22 май жума оқшомида психолог Ирода Салимова билан бошлаган суҳбатимизни давом эттираемиз. Ёдингизда бўлса, ўпан суҳбатимизда қайнона-келинлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли ҳолатлардан чиқиб кетишда келинларнинг ўзларини оқилона тутишлари аҳамияти ҳақида сўз юритганлик. "Яхши гап билан илон инидан чиқади", деб бежиз айтишмаган. Хушмуомалалик, қайнона аҳволини тушунишга интилиш билан бирга, бошқа оимилар ҳам ўзаро муносабатларини мустақамлайдикли, улардан бири — эр билан ҳамфирк бўлишдан иборат.

Она қалбини, унинг феъ-атвори, орзу-интилишларини яхши билдирган эрингиз билан ҳамфирк, иттифоқдош бўлиб, қайнона кўнглини

олишга интилиш ҳам бе-самар кетмайди. Бу йўлда нималарга алоҳида эътибор беришга тўғри келиши ҳақида ўз маслаҳатларимизни берамиз.

Агар: — эрингиз йўқлигида уйда бўлиб ўтган ёқимли суҳбатлар, қайнона-келин билан фикрингиз бир жойдан чиққан нарсалар ҳақида, биргаликда амалга оширган майда-чуйда ишлар ҳақида очик чеҳра билан унга гапириб берсангиз; — ўзингиз жанжал чикармай, аксинча бунга сабаб бўладиган ҳолатларга чап берсангиз; — онаси ҳақида ҳеч қачон (айниқса унинг олдидда ёки ўзига) ёмон гапирмасангиз; — унинг учун энг латофатли, оқсўнгил ва гулдек яшнаб турсангиз — эрингиз албатта сизнинг тарафингизда бўлади.

Ота-онасига гапхўрлик қилишда эрингизга ҳамфирк, ҳамкор бўлинг: уларни байрам билан кўтлаш, керакли совга-саломлар олишни, бирор эҳтиёж билан у ёқ-бу ёққа олиб бориб келиш, майда хожатлар учун ёнларига пул солиб қўйишни эслатиб туринг.

Уй-рўзгор ишларида тартиб ва саранжомликка эришиш билан бирга, ўзингизга қараб олишни ҳам унутманг, ташқи кўринишнингиз ва ички дунёнингиз ҳақида кўйгурун. Ёқимтой, ширинсўз, жонқур аёлга баъзан кийимларнинг вақтида дазомол бўлмагани, гиламдаги чўп-хаслар кечирлади.

Мабодо, танбех олган тақдирингизда ҳам уни осойишта қабул қилинг, ўзингиз кўздан қочирган нарсаларни пайкагани учун ташаккур изҳор қилинг ва табассум билан "тузалишигиз"ни айтиб, ваъда беринг.

Умуман, кўпроқ табассум қилинг — албатта фойда кўрасиз.

Ҳамфирк, ҳамкор бўлинг: уларни байрам билан кўтлаш, керакли совга-саломлар олишни, бирор эҳтиёж билан у ёқ-бу ёққа олиб бориб келиш, майда хожатлар учун ёнларига пул солиб қўйишни эслатиб туринг.

Уй-рўзгор ишларида тартиб ва саранжомликка эришиш билан бирга, ўзингизга қараб олишни ҳам унутманг, ташқи кўринишнингиз ва ички дунёнингиз ҳақида кўйгурун. Ёқимтой, ширинсўз, жонқур аёлга баъзан кийимларнинг вақтида дазомол бўлмагани, гиламдаги чўп-хаслар кечирлади.

Мабодо, танбех олган тақдирингизда ҳам уни осойишта қабул қилинг, ўзингиз кўздан қочирган нарсаларни пайкагани учун ташаккур изҳор қилинг ва табассум билан "тузалишигиз"ни айтиб, ваъда беринг.

Умуман, кўпроқ табассум қилинг — албатта фойда кўрасиз.

Асп ихтироси

КўЗГУНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ

Кўзгу олдидда ўзларига оро бериб, соатлаб вақтларини аямайдиган хонимлар адашишади. Зеро, улар кўзгуда кўрганлари ўзгалар ташқаридан туриб кўрганларидан бутунлай фарқ қиларкан...

Олимларнинг таъкидлашларича, юз тасвирини ифодаловчи ахборотни қабул қилувчи миёнини ўзига хос хусусияти бунга сабаб бўлади. Маълум бўлишича, одамга қараётганимизда одатда ички шууримиз билан — яъни бейхитёр унга чап томондан ёндошиб, юзининг ўнг томонида разм соларканмиз. Бинобарин, дастлабки кўз ўнгимизда шаклланган қиёфа ўзининг ўша ўнг қисми бизда қандай таассурот қолдириши билан боғлиқ бўлади.

Аммо муаммо шундаки, кўзгуда ўзимизга қарар эканмиз, биз аксинча, юзимизнинг чап қисмига эътибор қиламиз. Бизни учратган одамлар эса, ўнг юзимизга қараб хулоса чиқаришади. Сент-Эндрю университети идрок этиш лабораторияси профессори Дейр Перретнинг даъво қилишича, қаршингиздаги инсон сизга қанчалик ёқимтой туюлиши ҳақидаги дастлабки таассурот унинг ўнг юзи асосида шаклланади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шунки, ўша одамнинг чап юзини ҳам кўриб чиққаннгиздан кейин янги катта кашфиётларингиз сизни лол қолдириши мумкин.

Ҳатто шундай бўлиши ҳам мумкинки, сизда гўё бутунлай бошқа-бошқа икки киши билан учраётгандек ҳиссиёт юзага келади. Айниқса, сиз кўраётган киши юзининг икки қисми ўзаро симметрик бўлмаган ҳолларда шундай таассурот янада кучли бўлади.

Маъжур ноёб ҳолатнинг ҳақиқатлиги тажрибаларда синналган. Одамларга бири табийи ва иккинчиси кўзгудаги тасвирдан олинган икки фотосурат кўрсатилганда, асосан улар кўзгуда кўриб юришга одатланган тасвир ифодаланган суратни афзал кўришган.



Кел ййнаймиз, дугонажон

Табиат ва инсон

МАРСДАГИ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТОПИЛМА

NASнинг Spirit Марсда юрувчи аппарати Erga иккита гайри-оддий суратни олиб тушган. Уларнинг бирида шакли калла суюягини эслатовчи галати тош тасвирланган. Унинг кўзларга ўхшаб кетадиган иккита чуқурчаси ҳам бор. Улар ўзаро 5 сантиметр ораликда жойлашган. Тошнинг ўзининг ўлчами 15 сантиметр.

Иккинчи суратда астрономлар дастлаб ўзга сайёралик мавжудот деб ўйлаган бир нарсга тасвирланган бўлиб, галати фиғура шакли бўйича одамни эслатади. Лекин кейинроқ мутахассислар, бу оптик сароб кўриниши бўлиб, атроф ландшафти билан боғлиқ таассуротдир, деган хулосага келишган.

Мутахассислар Марс юзасида бундай галати объектларни илк бора кўраётганлари йўқ. 2004 йил майда ёғоч тахтани эслатадиган бир нарсга тасвирланган фотосуратлар Erga етказилган.

ҲАМ ҲАЗИЛ — ҲАМ ЧИН

Олимларнинг қатъий фикрларига қўра, омадсиз никоҳ аёлларда ёғир касалликларга олиб бориши мумкин. Бунга метаболик синдром сабабчи бўлиб, унинг аломатлари қон босимининг юқори бўлиши, семириб, белнинг "йўқолиб кетиши", қонда қанд моддасининг кўпайишида намоён бўлади.

Олимлар бу ҳолатни омадсиз никоҳ туфайли узоқ давом этадиган стресс натижасида моддалар алмаширининг бузилиши билан боғлиқ. Олиб борилган тадқиқотлар ушбу тахминлар тўғрилигини тасдиқлади. Лекин эркаклар бу касалликка дучор бўлишмас экан. Зеро, оилавий муаммолар кўпроқ аёлларни ташвишга соларкан.

Айни пайтда, олимлар эр-хотинларнинг ажрашиб кетиши муаммони бартараф эта олмаслигини, бунинг бирдан-бир омили — оилада тинчлик-осойишталикни барқарор қилишдан иборат эканлигини таъкидлашмоқда.

ОҚ АКУЛАЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Британиянинг The Daily Telegraph агентлиги, олимлар маълумотларига таяниб, инсонлар ҳаётига таҳдид солувчи энг хавфли мавжудотлар номларини эълон қилди. Энг даҳшатли дастлабки уч маҳлуқ сифатида рўйхатнинг бошида москитлар (майда чивин, искаботпарлар), Осиё кобраси ва Австралия медузалари туради.

Москитлар тарқатадиган касалликлардан йилга икки миллион киши дунёдан бевақт кўз юмади. Осиё кобрасининг чақоши йилга 50 миң кишининг умрига зомин бўлади. Улардан кейин улкан оқ акулалар, Африка арслони ва Австралиянинг денгиз тимсоҳлари туради.

Футбол

ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГ

ФИФА раҳбарияти, 2018 ва 2022 йилларда жаҳон чемпионатлари ўтказиладиган жойини танлашда, бир мамлакат томонидан берилган аризаларга ус-тўворлик берилади, деган нуктаи назарни эълон қилган.

"Бизнинг принципимиз яқна аризалар бор экан биргаликда берилганларини рад этишдан иборат, — деб баёнот берган ФИФА президенти Зепп Блаттер. — Лекин ҳозирги босқичда қўш аризалар бизни ташвишга солаётгани йўқ, зеро, улар ҳар қадиқа индивидуал аризага айланиши мумкин".

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Қийқим хангомалар

Шоир ва ёзувчи Азиз Абдураззоқ қувнок инсон эдилар. Эски дастхатларни титкилаб ўтириб шу зотнинг қаламларига мансуб бир неча хангомаларга кўзим тушди. Уларни матбуотда кўрмагандим. Шунинг учун уларни "Файзли оқшомлар" сажифамизда эълон қилишга ва унга янада файз ва қувноклик киритишга аҳд қилдик.

НАСИҲАТГҶНИНГ ТАЪРИФИ

Бир куни Сайёр Файратий домлага мендан шикоят қилган бўлибди: — Домла, Азиз акам қариб қолдим дейман. Нукул менга насиҳат қилади. — Азизми? — дебдилар домла. — У ўзининг отасиданам икки ёш катта.

ГОЗ ПАТИ ВА

АБАДИЙ ҚАЛАМ

Шоир Василий Журавлёв хикояси: "Қурилишга борган эдим. Фишт тераётган бир ишчи кизга дедим: — Қадим замонларда иморатлар қўл кучи билан қурилган. Сифатли, мустақам қурилган. Ҳозир техника ривожланган асрда сифатсиз қуришлар. Нега шундай?"

Ишчи қиз қўлидаги фиштни ерга қўйди-да, қоматини гоз тутиб, жавоб қилди: — Урток ёзувчи. Сиздан аввал ўтганлар гоз пати билан ажойиб китоблар ёзишган. Сизлар автормаркада сифатсиз ёзсангизлар. Нега шундай?"

Бу воқеани эшитган бир озарбойжонлик шоир айтган экан: — Тўғри, илгари гоз пати билан абадий фикрлар ёзилган экан. Ҳозир абадий қалам билан гоз фикрлари ҳам ёзилапти.

Чекишга ўрганишнинг энг асосий сабабларидан бири, унга қизиқишдир. Кўпинча ўспиринлар катталарга тақдид қиладилар. Ўзларини катта кўрсатмоқчи бўлиб чекадилар. Болаларнинг чекишга ўрганишида яна турли кинофильмларда, телевизорларда қахрамонларнинг чекиб қахрамонлик кўрсатишлари, роҳатланишлари, тамакин мириқиб тортишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Чекишнинг кенг тарқалишига, яна баъзи одамларда чекиш одамнинг иш қобилиятини оширади деган тушунча борлигида. Одатда тамаки чекиш натижасида мия кон томирлари бир оз кенгайди, шу туфайли чекувчиларда гўё қандайдир янги куч пайдо бўлгандек туюлади. Тамакиннинг бу хусусияти жуда қисқа бўлиб, бир неча дақиқалардан кейинроқ миянинг кенгайган кон томирлари кескин тораяди ва толиқиб ҳосил бўлади. Чарчокни ёзиш учун яна чекиш зарурияти сезилади ва кашанда чекишни давом эттиради.

Тамакиннинг таркибида яна кўп миқдорда йирикрок заррачалар ҳам бўлади, улар нафас йўллари ва ўпкани жуда каттик жароҳатлайди. Айниқса, бронхит пайдо бўлади ва сурункали давом этади. Тамаки тутини энг аввало нафас йўллари орқали ўпканига тушиб, унинг деворларини яллиглантиради. Шунинг учун ҳам йўтал кашандалар ҳамроҳи хисобланади. Кашанда сурункали бронхит, эмфизема (ўпканинг кенгайиб кетиши) каби касалликларга мубтало бўлади. Бронхларни химоя қилиб турувчи ҳужайра-

лар ўлади. Шу сабабли кашандаларнинг чекмайдиганларга қараганда 10 мартадан кўпроқ нафас йўллари касалланади.

Узоқ муддат ва кўп чеккан кашандалар асабий, жиззакчи бўлиб қолади, тез чарчади, жаҳлдор бўлади, эслаш қобилияти пасаяди, ўқтин-ўқтин боши оғрийдди. Тамаки матитлар (ринит) каби оқибатларга олиб келади.

Саломатлик — туман бойлик

ТАМАКИ ЧЕКИШДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Тамаки организмда витаминлар, айниқса витамин «С»нинг сингизишни камайтиради, қон томирларга келаётган холестериннинг чўкиши тезлашади ва атеросклероз ривожланади. Юракнинг коронар томирларида ҳосил бўладиган склеротик ўзгаришлар юракнинг ишемик касаллигини келтириб чиқаради. Бу эса юрак миокард инфарктининг асосий сабабчиси хисобланади.

Ҳа, зарарли одатлар фақат соғлиққа ва иш қобилиятигагина эмас, балки оила бюджетига ҳам зарар етказилади. Шунинг учун биз ҳаммамни турли касалликларнинг келиб чиқишига ва бевақт ўлимга сабабчи бўладиган тамаки чекишдан воз кечишга чақирамиз.

Тамаки организмда витаминлар, айниқса витамин «С»нинг сингизишни камайтиради, қон томирларга келаётган холестериннинг чўкиши тезлашади ва атеросклероз ривожланади. Юракнинг коронар томирларида ҳосил бўладиган склеротик ўзгаришлар юракнинг ишемик касаллигини келтириб чиқаради. Бу эса юрак миокард инфарктининг асосий сабабчиси хисобланади.

Ҳа, зарарли одатлар фақат соғлиққа ва иш қобилиятигагина эмас, балки оила бюджетига ҳам зарар етказилади.

Шунинг учун биз ҳаммамни турли касалликларнинг келиб чиқишига ва бевақт ўлимга сабабчи бўладиган тамаки чекишдан воз кечишга чақирамиз.

Шерзод ЮСУПОВ,
шаҳар наркологи диспансери шифокор-наркологи

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида

2009 йил 30 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақлиф этилади!

1. Аукцион савдосига тақдоран арзонлаштирилган баҳода, Тошкент шаҳар Мировод тумани суд икρονчилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — Тошкент шаҳар **Божхона бошқармаси 11-масканда сақланаятган**: 1. ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 11.03.08 йилдаги 1-975-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Қадиллак" русумли, д/р/сиз бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 536 000 сўм. 2. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 16.02.08 йилдаги 1-983/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Mitsubishi 3000GT" русумли, д/р 10Н0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 144 000 сўм. 3. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.07 йилдаги 1-22521/2007-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Jeep grand Rover" русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 27 216 000 сўм. 4. ЖИБ Тошкент шаҳар Мировод туман судининг 16.12.08 йилдаги 1-760/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, "BMW-318i" русумли, д/р 30Q7849 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 000 000 сўм. — Тошкент шаҳар **ИИББ** Аxbорот маркази **омборида сақланаятган**: 5. ЖИБ С.Раҳимов туман судининг 14.11.08 йилдаги 23/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Opel Kadett" русумли, д/р 11T5499 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 575 377 сўм. 6. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 03.11.08 йилдаги ҳўмига асосан хатланган, "VA3-2107" русумли, д/р 30Y0773 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 110 609 сўм. 7. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.10.08 йилдаги 1-1050-2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Нексиа" русумли, д/р 18M4071 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 267 427 сўм. 8. ЖИБ Тошкент шаҳар Мировод туман судининг 13.03.08 йилдаги 1-103/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, "BA3-2106" русумли, д/р 10T7986 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм. 9. ЖИБ Мирзо Улғабек туман судининг 24.12.08 йилдаги ЖСК-1-1032/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Форд Эскора" русумли, д/р 30D0743 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 785 637 сўм. 10. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.08.07 йилдаги ЖСК-1-415/2007-сонли икром варақасига асосан хатланган, "NISSAN MAXIMA" русумли, д/р 22L7707 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 32 805 000 сўм. 11. Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 29.04.2008 йилдаги 1-153/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, — "TA3-2401" русумли, д/р 110U438 и/ч санаси номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 310 000 сўм. — "TA3-2417" русумли, д/р 10T4129 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 310 000 сўм.

II. Аукцион савдосига тақдоран арзонлаштирилган баҳода, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд икρονчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусов туман судининг 10.05.07 йилдаги 1-357-2007-сонли икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар СВОЖ ва ЖДЛКДда сақланаятган, "TA3-310290" русумли, д/р 30D4121 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 102 600 сўм.

III. 2009 йил 23 июн куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақдоран, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.06 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, "Central Asia P.G.Ltd" компаниясига тегишли, Қашқадарё вилоят божхона бошқармаси таркибидаги 13-сонли "Ақция" ТИФ божхона постида сақланаятган: — "ПНПТ-38" русумли, шасси № 439САТ11050005168 бўлган, 2005 йилда и/ч йрим тирама. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. — "ПНПТ-38" русумли, шасси № 439САТ11050005164 бўлган, 2005 йилда и/ч йрим тирама. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Маъжур автотранспорт воситалари билан тегишли суд икромчилари бўлими вакили иштирокида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Саъдо ташкилотчиси" билан тузиладиган заказлик келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан ҳам бўлмаган миқдорда қўралат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тўрилади. Ҷўлов ҳужжатида икром ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Бир дастхатлиқ" РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» «Сарбон ф-дгаи қўлидаги хисоб-рақамига тўлишилари шарт. МФО: 01036, ИНН: 200933850, к/р: 2021000300571462114, Манзил: Тошкент ш. С.Раҳимов т. М.Ураъбовов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.tbmb.uz

Кўргазмалар



МАФТУНКОР ЎЛКА МАНЗАРАЛАРИ

Шаҳримиздаги Халқаро маданият қарвонсаройида франциялик сураткаш Сильви Ласернинг «Ўрта Осиё. Оқшом» номли кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Сильви Ласер Францияда истиқомат қилгани билан Ўрта Осиё мамлакатларига сайёҳ сифатида тез-тез келиб туради. Париждаги Осиё жамиятининг аъзосидир. Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар маданияти, тарихи ва аънаёларини катта қизиқиш билан ўрганиб боради. Портретми, пейзаж ёки натюрморти — барча жанрларда баракали ижод қилади.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон — бир-бирига ўхшаш, шу билан бирга ўзига хос томонлари ҳам кўп ушбу республикалар ҳаёти, аънаёлари, урф-одатларига жуда қизиқаман, — дейди Сильви Ласер биз билан суҳбатда. — Ушбу ўлканинг табиати мафтункор, кишилари эса серғайрат ва меҳмондўст. Уларнинг характерларини, табиат манзараларини бор буй-баста билан ўз суратларимда акс эттиришга ҳаракат қиламан. Француз фоторассомининг шахсий кўргазмаси 16 июлда қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МАХТУМҚУЛИ

Кўкдан нам тушмаса, кўкат кўқармас, Йиғилса минг қайғу бир иш битирмас, Эр йигит кўнглига қайғу келтирмас, Номарднинг ўғлидек қочувчи бўлма.

Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон, Тўғри сўз устида берар ширин жон. Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон, Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма.

Алданиб кирмагил шайтон сўзига, Яхшилиқни ҳеч вақт қўувчи бўлма.

Агар энгил бўлсин десанг оғирлар, Ёмон сўзлаб, оғритмагил бағирлар, Йўлиқса кўзингга гунгу сағирлар, Уларнинг ҳолига қулувчи бўлма.

Топсанг-да дунёда мулки Исқандар, Қорунинг моли ҳам бўлса муяссар, Охири бўларсан ерга баробар, Кўнглингда манманлик сотувчи бўлма.

Мақол бор: йиртиқ тўн кўрса, ит қопар, Феъли ёмон банди худодан топар. Охири бир қуни қиларсан сафар, Тор кўнглилик ишни этувчи бўлма.

Агар чанди бўлсанг соҳиби мансаб, Сўзин тингла, адолатни бўл тенглаб, Сўз топсанг сўзлагил, топмасанг бўл ҳап, Кўлдан келмас ишни этувчи бўлма.

Қарилик келгуси бир кун офати, Йигитнинг кетгуси бир кун қуввати, Фанимат бил, гофил одам, фурсатни, Ўликдек узилиб ётувчи бўлма.

Ич сиринг кишига айтувчи бўлма.

Йигитлик бўстондир, қарилик хазон, Бўстонни хазонга сотувчи бўлма.

Кўқарар ёмғирнинг суви билан ер, Олқишу фотиҳа, дуо билан эр.

Ҳаргиз ўз сўзингдан қайтувчи бўлма.

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни, Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас; Фусса билан дона-дона кўзингдан Аччиқ ёшларингни тўққанча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни, Тама қилиб сарғайтирма юзингни, Ҳар номардга ҳайф айлама сўзингни, Сўзингнинг биносин йиққанча бўлмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Адинажон Аллаевга акаси Абдуллажон Анорович АЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Шахмат

НАВБАТДАГИ ТУР ЯКУНЛАНДИ

Шаҳримизда шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати олий лигасидаги 5-тур баҳслари ниҳоясига етди.

Ўтказилган учрашувлардан кейин ҳозирча биринчи ўринни 4,5 очко жамғарган фарғоналик Нафиса Мўминова эгаллаб турибди. Ҳамшаҳримиз Ольга Собирова ҳисобида эса 4 очко бор. Шунингдек, шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган Ирина Геворгян шу кунгача 2,5 очко жамғариб 5-ўринни банд этган.

Дзюдо

ХИТОЙ ТАЙПЕЙИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Хитой Тайпейида дзюдо бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари ўзбекистонлик спортчиларга муваффақият келтирди.

90 килограмм вазнда гиламга тушган Дилшод Чориевга қумуш медал насиб этган бўлса, Ришод Собиров (60 килограмм), Шокир Мўминов (81 килограмм), Одилжон Тулендибоев (мутлақ вазн) эса бронза медаллари эгасига айланишди.

Бокс

ҲАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон терма жамоасига медаллар шодасини тақдим этди.

Курраи заминнинг 42 давлатидан келган тажрибали чарм кўлоқ усталари иштирокидаги беллашувлар мурасасиз курашлар остида кечди.

Шуниси қувонарлики, 80 килограмм вазнда рингга кўтарилган ҳамюртимиз Мирзабек Ҳасанов барча рақибларидан устун келиб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Финал баҳсида эквадорлик Итало Переа Кастилони 13:6 ҳисобида енга олган Мирзабекнинг маҳорати мутахассислару мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртларимиз — Жавлонбек Эшматов, Бургут Ҳожиев, Барҳаётжон Обидов ва Равшанжон Абдуназаровларга ўз вазн тоифаларида бронза медаллари насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Яқинда «Намуна» спорт мажмуасида «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Шу кунни болажонларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Маҳалла нурунийлари ўртасида эса спортнинг шахмат тури бўйича қизиқарли мусобақа ўтказилди. Унда маҳалла фахрийси Абдурахмон ота Маматов биринчи ўринни эгаллади ва мажмуанинг махсус мукофотиغا сазовор бўлди.

Мусобақалар

«НАМУНА»ДА ЁШЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Ёш спортчилар ўртасида бадминтон, стол тенниси, мини-футбол, баскетбол ва эстафета ўйинлари уюштирилди. Ушбу мусобақаларда 200 дан ортиқ маҳалла болалари иштирок этиб, вақтларини мароқли ўтказдилар. Шунингдек, шу кунги спорт мажмуасида туманда кўп йиллар давомида спорт соҳасида фаолият юритган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, спорт гимнастикаси бўйича халқаро спорт устаси Гигант Ги-

ясов хотирасига бағишлаб футбол бўйича турнир ўтказилди. Унда яқин атрофда жойлашган «Чимбой», «Ачаобод», «Сағбон», Туроб Радулов, «Бўстон», «Эски шаҳар», «Кўштут» ва «Намуна» маҳаллаларидаги 1995-1998 йилларда туғилган болалардан иборат терма жамоалар иштирок этди. Қизиқарли ва шиддатли ўтган ушбу мусобақа финалда рақиб устидан «Намуна» жамоаси 3:2 ҳисобида галаба қозониб турнир чемпиони бўлди.

Мусобақа голиблари ва совриндорлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва ҳомийларнинг кубок ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. — Келажак эгалари бўлган болажонларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни беқиёс, — дейди биз билан суҳбатда «Намуна» спорт

мажмуаси раҳбари Д. Гиясов. — Уларнинг спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мунтазам спорт билан шуғулланган ёшлар эса турли халқаро мусобақаларда иштирок этиб ўз иқтидор ва имкониятларини кўрсатмоқдалар. Уларга кўрсатилган гамжўрлик ва эътибор эртага албатта ўзининг ижобий натижаларини беради. Шоира МУҲАМЕДОВА

КИТОБЛАР ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

Республика Болалар кутубхонасида «Китоблар эзгуликка етаклар» мавзусида ижтимоий-сиёсий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Республика Маънавият тарғибот маркази, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунара таълим бошқармаси вакиллари, шоир ва китоб муаллифлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар тарбиясида китобнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шу боисдан, юртимизда янги китобларнинг чоп этилишига катта эътибор қаратилганлиги ижобий самара беришини таъкидлашди. Дарҳақиқат, китоб инсонни қомиллик сари етаклаб, уни юксак қўқиларни забт этишида муҳим аҳамият касб этади. Савол-жавоб тарзида ўтган мазкур тадбирда «Китоблар — маънавий ахлоқ», «Кутубхона — маънавият ўчоғи», «Бугунги кунда болалар адабиётининг тарбиявий аҳамияти» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, тадбирда ҳар бир киши ёш авлод камолоти учун маъсулликни унутмаган ҳолда уни тўғри англаб етмоғи даркор.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Қонун барчага баробар

ҲУЖЖАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР

1990 йилда туғилган Бахтиёр КАМАЗ юк автомобиласини бошқаришни бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, соат 8.00 ларда Андижон — Тошкент йўлида борар экан, ўзида йўқ хурсанд, шериги Комил ака уйғонгунича Тошкентга етиб оламандеган уй-хаёлда эди...

Худди шу пайтда Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭВ ва ОО бўлими ходимлари томонидан пойтахтимизнинг Ҳамза тумани, Тошкент автомобиллар Халқа йўлида рейд текшируви ўтказилаётган эди. Бахтиёрнинг манзили ҳам департамент ходимлари билан учрашгунча қадар давом этди.

Кейинги суҳбат эса тахминан қуйидагича: — Автомашини юкюнасида нима бор? — Тунуқадан ясалган челақ, кўйма қумгон ва болалар велосипеди. — Яна-чи? — Бошқа ҳеч нарса йўқ! — Маҳсулотлар кимга тегишли? — Яққа тартибдаги тадбиркор Тўлқинов Мусурмонкул Топиловнинг...

Суҳбат давомида маҳсулотлар учун ҳайдовчилардан тегишли ҳужжатлар талаб этилганида, улар фақатгина яққа тартибдаги тадбиркор Тўлқинов Мусур-

монкул муҳри билан тасдиқланган юк хатини кўрсатишди.

Бундан ташқари текширув давомида автомобилнинг яширин юкюнаси борлиги аниқланиб, унда ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз (сифат сертификат, божхона юк декларациясиз) конфет маҳсулотлари борлиги аниқланди. Текширув якунида Бахтиёр Абдусатторов (мақоладаги исми-шарифлар айрим сабабларга кўра ўзгартирилган) бошқарувидаги КАМАЗ юк автомобилдан 6 турдаги 2600 дона челақ, 400 дона кўйма қумгон ва 75 дона болалар велосипеди, жами 8265000 сўмлик маҳсулот, ҳамда яширин юкюнада чет элда ишлаб чиқарилган жами 1773000 сўмлик конфет маҳсулотлари тегишли ҳужжатлари бўлмагани сабабли масала қонуний ҳал бўлгунча қадар вақтинчалик олиб қўйилди.

Айбдорлар эса жазосиз қолиб кетмади. Уларга нисбатан жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисми ва 188-модда 2-қисми «б, в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

В.НАРХОДЖАЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси ВОЖАБЭО бўлими катта инспектори

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Қандай юмуш бўлмасин, унинг ўз вақтида бажарилгани муҳим аҳамият касб этади.

Ишчи-хизматчиларни ва моддий бойликларни эвакуация қилиш чизмалари мавжуд бўлиб, бирор қор-ҳол содир бўлганда мутасадди хизматларига ҳабар бериш схемаси ишлаб чиқилган ва ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича масъул ходим тайин этилган. Шунингдек, электр воситаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб, ёнғин ҳамда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича объект шахсий таркиби ўртасида тарғибот ишлари амалга оширилган ва баённомалар билан расмийлаштирилган.

Ижтимоий ҳимоя объектларнинг барчасида иссиқлик иситиш ҳолати марказлашган бўлиб, ҳозирги кундаги ҳолати қониқарли даражада.

Текширув натижалари бўйича далолатномалар тузилиб, аниқланган баъзи камчиликлар жойида бартараф этилди.

Айни кунларда бошқа объектларда ҳам ёнғин (портлаш)лар ва ис газидан захарланиш каби фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари давомида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, худудда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни олиб бориш юзасидан ишчи ва ходимлар билан йўриқномалар ҳамда тушунтириш ишлари давом этмоқда.

Элдор ОРИПОВ, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3676 нусxada босилди. Қоғоз бивими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланди. «Шарқ» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 156